



TIQXMMI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ



“ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИНИИ
ЗАМОНАВИЙ
МУАММОЛАРИ”

*мавзусидаги анъанавий XVII – еш
олимлар, магистрантлар ва
иқтидорли талабаларнинг илмий-
амалий анжумани*



*XVII – traditional Republic
scientific – practical conference
of young scientists, master
students and talented students
under the topic*

“THE MODERN PROBLEMS
OF AGRICULTURE AND
WATER REOURCES”

МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

Тошкент – 2018 йил 12 – 13 апрель

МУНДАРИЖА

№	Муаллиф (лар)	Мақола номи	Бет
1.	М. Гошболтаев – ТИҚХММИ кошидаги ҚХМЭИ профессори, т.ф.д.	Билим олиш, яхши ўқиш сирлари (ёхуд ТИҚХММИ талабалари ва ёш олимларига тавсия ва маслаҳатлар)	17

1-ШУЎБА

Сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммолари

2.	Ergasheva Z.X. – talaba, TIQXMMI	Oqova suvlarini tozalashning kimyoviy usullari	21
3.	Beknazarova Z. F., Akramov J. I., Jalilov S.M., students, TIAME	Implementation of irrigation system in places and improve	24
4.	Alimbayev J.K., Abdirashidov J.A. – TIQXMMI talabaları	O'zbekiston va Xorvatiyada qishloq xo'jaligini rivojlanishi	26
5.	Burxonova M. – TIQXMMI talabasi	Sug'oriladigan yerlarda eroziyani oldini olish choralari	30
6.	Beknazarova Z.F. – senior teacher., Jalilov S., Akramov J. – students, TIAME	Advantages of drip irrigation in Karakalpakstan	32
7.	Maxmudova M. – TIQXMMI magistranti	Qator oralarini polietilen plyonka bilan mulchalashni g'o'za hosildorligiga ta'siri	36
8.	Muhammadiyeva M. – assistent, Abdulkarimov A. – talaba, TIQXMMI	Yer resurslaridan foydalanish samardorligini oshirish	38
9.	Qalandarov O'., Olloniyozov S., Toirov D. – TIQXMMI magistrantlari	Yerlarning meliorativ holatini yaxshilashda zovurlar roli	41
10.	Vafojev R.S. – TIQXMMI talabasi	Sug'oriladigan yerlardan foydalanish koeffitsientini oshirish omili	42
11.	Qodirov Z.Z. – TIQXMMI Buxoro filiali doktoranti, Sayfiyeva Yu. – magistrant, Husanboeva N. – talaba, TIQXMMI	O'zbekistonning o'ziga xos sharoitida soyani yetishtirishning ahamiyati	44
12.	Ziyadov SH.R. – assistent, Eshtemirov J.A. – talaba, TIQXMMI	Sug'oriladigan yerlarning sho'rlanishini oldini olish va meliorativ holatini yaxshilash yo'llari	47
13.	Ходжиев А.К. – катта ўқитувчи. Ғаффарова М.Ф. – магистрант, ТИҚХММИ	Подшаотасоӣ дарёси сув оқимиини баҳолаш	49
14.	Ахмадов С.Қ., Мейлиқулов С.Т. – ТИҚХММИ талабалари	Сугорилда замонавий усулардан фойдаланишнинг аҳамияти	51

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Yo'ldoshev G'. Meliorativ tuproqshunoslik-T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyat nashriyoti 2008.

ПОДШАОТАСОЙ ДАРЁСИ СУВ ОҚИМИНИ БАХОЛАШ



Ходжиев А.К. – катта ўқитувчи, Фаффарова М.Ф. – магистрант, ТИҚХММИ

Аннотация

Ушбу мақолада Подшаотасой дарёсининг сув оқими баҳоланди. Бунинг учун Ўзбекистон ҳудуди ерларини суғориш учун талаб қилинадиган ва аслида олинмаган сув миқдорларининг охиригى ўн йиллик маълумотлари йиғилди ва таҳлил қилинди.

Подшаотасой дарёси Қирғизистон Республикаси ҳудудидаги Чотқол тоғ тизмасида шаклланиб, дарё сувининг асосий қисми Наманган вилояти ерларини суғориш учун ишлатилади. Дарё қор ва музликлардан тўйинувчи дарёлар сирасига киради. Дарёнинг умумий узунлиги 130 км дан ортиқ масофани ташкил этади ва суғориш майдони 443 км² га тенг. Ҳавзасининг майдони 389 км² га тенг. Дарё ҳавзаси денгиз сатҳидан ўртача 2000 м баландликда жойлашган. Подшаотасой дарёси ҳавзасида умумий узунлиги 4 км дан ортиқ 6 та музликлар мавжуд бўлиб, умумий майдони 1,9 км² ни ташкил этади. Подшаотасой дарёсининг суви асосан Чотқол тоғ тизмасининг жанубий ёнбағирларидан, бевосита катта бўлмаган қисми унинг юқори қисмидан, яъни ўртача 4000 м баландликларидан йиғилади. Ушбу ҳудудда тоғ чўккисининг сатҳи 4300 м дан баландроқдир.[1]

Дарёнинг асосий гидрометрик пости қўшни Қирғизистон Республикасида Тосту дарёси қуйилиш жойи яқинида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан 20,0 км узоқликда жойлашган[1]. Мазкур гидростанциянинг маълумотларига кўра дарёдаги сувнинг ўртача йиллик оқими 193,0 млн.м³/йил ни ташкил этади. Дарёнинг ўртача йиллик сув сарфи 6,2 м³/с га тенг бўлиб, энг баланд сув сарфи июн ойида (ўртача 16,1 м³/с) оқиб ўтади, энг кам сув сарфи эса (ўртача 1,5 м³/с) феврал ойида кузатилади.[2]



1-расм. Подшаотасой дарёсининг ўртача кўп йиллик сув сарфини ойлар бўйича тақсимланиши.

Подшаота дарёсида серсувлилик даври апрел-сентябр ойларига тўғри келса, кам сувлилик даври октябр-март ойларига тўғри келади.


Дарё сув оқимининг 75 % га яқин қисми апрел-сентябр ойлари оралиғида оқиб ўтади.

Подшаотасой дарёси оқимини баҳолаш 1963-2016 йиллардаги ўртача йиллик сув сарфи маълумотлари асосида бажарилди.

Маълумки, гидрометеорологик элементларнинг ўзгарувчанлиги ва тебранишини баҳолашда қуйидаги усуллар қўлланилади: хронологик график, интеграл фарқлар эгри чизиғи, гармоник таҳлил, корреляцион функция ва бошқалар.

Даврий ўзгарувчанликни хронологик график асосида ўрганиш асосан серсувли ва камсувли даврларни аниқлаш, бу даврларнинг сувлилиги бўйича тақсимотини тадқиқ этишдан иборат.


Гидрологик элементлар ўртача йиллик кийматларининг ўзгариши ва ундаги даврийликларни ўрганиш учун Подшаотасой дарёси бўйича сув сарфининг оддий хронологик графиклари чизилди (2-расм). Улардан фойдаланиб кузатилган йиллар ичида дарё сувининг ўртача кўп йиллик миқдордан юқори ёки паст бўлганлигини, бу йилларнинг кетма-кетлигини, неча марта яқка йил такрорланганлигини билиш мумкин. Бу графиклар асосида камсувлилик ва серсувлилик йиллар сериялари ва уларнинг давомийлигини ҳисоблаб чиқилди.



2-расм. Подшаотасой дарёси оқимининг хронологик графиги.

Графикдан кўриниб турибдики дарё оқимининг тебранишлари ҳар хил циклларга эга, яъни камсувли йиллар сони серсувли йиллар сонидан кўп. Охириги йилларда дарёдаги оқим миқдори ўзгариб бормоқда. Бунга асосий сабаблардан бири иклимни йиллар давомида ўзгариб бораётганлиги, кам сувлилик йиллари ортиб бораётганлигидир. Бу ҳолатни дарё сув сарфи ва оқими миқдорлари кўрсаткичларининг таҳлиларида ҳам кўриш мумкин.

Подшаотасой дарёси трасчегаравий кичик дарё бўлганлиги сабабли ҳавзаси орқали суғориладиган майдонларнинг сув билан таъминланганлигини баҳолаш учун эса Ўзбекистон ҳудуди ерларини суғориш учун талаб қилинадиган ва аслида олинадиган сув миқдорларининг охириги ўн йиллик маълумотлари йиғилди ва таҳлил қилинди. [3] Ўрганилган маълумотлар таҳлили ва уларни таққослаш натижалари кўрсатишича суғориш учун талаб қилинадиган миқдорлари аслида олинадиган сув миқдорларидан кескин фарқ қилади.



3-расм. Подшаотасой дарёсидан Ўзбекистон ҳудуди ерларини суғориш учун талаб қилинадиган ва аслида олинадиган ўртача кўп йиллик сув миқдорларининг ўзгариши.

Хулоса

Хозирги кунда Подшаотасой дарёси сув ресурслари микдори Ўзбекистон ҳудудини суғориш учун талаб қилинадиган микдорлари аслида олинадиган сув микдорларидан кескин фарқ қилмоқда. Бу ҳолат вегетация даврида сув танқислигига олиб келмоқда. Юзага келган ҳолатларни олдини олиш мақсадида ҳудудидаги сув истеъмолчиларни сув таъминотини яхшилаш учун қўшимча чора-тадбирлар қўллаши лозим бўлади. Бунинг учун Подшаотасой дарёси сув ресурсларидан тезкор бошқарувни амалга ошириш асосида улардан фойдаланишни такомиллаштириш, дарё оқимини ишончли мониторингини ташкил этиш ҳамда ҳар бир сув олувчи тармоқларни гидростлар билан таъминлаш ва сув ҳисоби аниқлигини ошириш лозим. Натижада дарёнинг юқори ва қуйи қисмида суғоришнинг сув тежовчи технологияларни замонавий усулларини жорий этиш ҳамда уларни амалиётга қўллаш асосида сув ресурсларидан самарали фойдаланишга ва камсувлилик йиллари сув танқислигини олдини олишга имкониятлар яратилади

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сув Ўзбекистон келажаги учун муҳим ҳаётий ресурс. Тошкент, БМТ Тараққиёт дастури Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2007 – 136 б.
2. Маматов С.А. Разработка предложений по совершенствованию управления стоком трансграничных малых рек Ферганской долины. НТО, Архив НИИИВП, 2010.
3. Маматов С.А., Ибрагимов Ф.И., Акбарова К.Х. Кичик дарё хавзасида сув билан таъминланганликни ошириш. “Мелиорация, атроф-мухит экологиясини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилona фойдаланишни такомиллаштириш масалалари”: Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент, 2012 й. 48-51 б.

Илмий раҳбар: т.ф.н.,проф.

И.А.Ахмедходжаева

СУҒОРИШДА ЗАМОНАВИЙ УСУЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ахмадов С.Қ., Мейлиқулов С.Т. – ТИҚХММИ талабалари

Аннотация

Мақолада дунёда ичимлик ва суғориш сувига бўлган талаб йилдан йилга ошиб бориши тўғрисида сўз юритилади. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги соҳасида, саноатда ёки бошқа соҳаларда сувдан тежаб тергаб фойдаланиш катта аҳамиятга эга эканлиги сувдан самарали ва тежаб фойдаланишни талаб этиши, хозирги кунда сувга бўлган талабнинг ошиб бориши, ҳамда суғоришда замонавий суғориш усулларининг қўлланилиши ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданок ер ва сувга бўлган муносабатларни тартибга солиш, сув ресурсларидан унумли фойдаланиш даражасини оширишга қаратилган бир қатор қонун ва ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ер ва сув ресурсларидан мақсадли ва оқилona фойдаланишдаги жавобгарликни кучайтириш, ҳамда унинг самарадорлигини оширишга қаратилган деҳқончилик тизимларини яратиш ва маданиятини оширишга хизмат қиларга қаратилган.